

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ЯХШИЛИККА БАХШИДА УМР



Бутун умрини яхшиликка, эзгуликка, фарзандлар камолига бағишлаган, қотмадан келган, юз-кўзидан нур балқиб турган Зарбуви момо Эгамбердиева меҳнатдан қадоқ бўлган қўлларини иягига тираганча оҳиста сўзлайди:

- Ўн тўққиз ёшимда рўзғор қилдим. Хўжайинимнинг икки акаси урушда бедарак йўқолган. Ота-онаси шундан кейин ёлғиз ўғил ҳамда икки қизни умид билан ўстирган. Ҳамсоя бўлганимиз учун келин бўлмасимдан аввал ҳам бу оиланинг тотув ҳаёт кечиршини билардим, қолаверса озроқ қариндошчилигимиз ҳам бор эди.

Қийналиб катта бўлганман. Онамдан айрилганимда жуда ҳам ёш эдим. Икки укамга ҳам опа, ҳам она бўлдим. Турмушга чиққан укаларимни ташлаб қўймадим. Авваллари бир рўзғорнинг юмушини қилсам, энди ҳар икки оиланинг оғир-ёнгилидан хабардор бўлишим керак эди.

Йиллар ўтди. Бирин-кетин фарзандларимиз дунёга келди. Ҳаётда нимагаки эришган бўлсам хўжайиним билан бамаслаҳат, қайнона-қайнотам йўриғида иш тутдим. Турмуш ўртоғим бутун умрини пахта даласида ўтказган, меҳнат қилиб кун кечирган, ҳалол инсон эди. Аммо тақдирнинг синови кўп экан. Турғунлик йилларининг шамоли бизнинг ҳам оиламизни четлаб ўтмади. Ўзимизни тиклаб оғзимиз ошга етди деганда, хўжайиним Мейли Эгамбердиевни "пахта иши" билан айблаб 10 йилга кесворилди. Ўн йил турмушнинг барча оғирликларини елкамда кўтардим. Емай-ичмай болаларим, 80 ёшли қайнотамга ўзим парвона бўлдим. Ёлғиз ўғилнинг ноҳақ қамалиб кетиши қайнотамга жуда қаттиқ таъсир қилди шекилли, кўзлари хира-лашиб ётиб қолди. Бошимдан не-

не синоатлар ўтган бўлса-да, бироқ уйдаги гапни кўчага чиқармадим. Куни кеча болаларимнинг отаси билан ош-қатиқ бўлганлар ўша маҳалда бизларни танимай кетишди. Аммо буларнинг ҳеч бирига парво қилмадим. Болаларимнинг барчасини меҳнатга, фақат ҳалол ва пок ҳаёт кечиршига ундадим. Ўн йил ёруғ кунлар умидида, оппоқ тонглар илинжида яшадим. Болаларим ўсиб улғайишди. Кам бўлмадим. Ўғил уйлаб, келин туширдим. Хўжайиним ҳам оқланиб чикди.

Оллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинки, турмуш ўртоғим билан бирор мартаба ҳам қош-қовоқ бўлмай, эллик йил аҳил турмуш кечирдик, рўзғорнинг аравасини бирга судрадик.

Мана, ҳозир 73 ёшга кирдим. Болаларимнинг бари уйли-жойли, олий маълумотли. Холмурод-савдо ходими, Нурмурод - «Ўзқурилиштаъминот» бошқармаси бошлиғи, Боймурод - ҳуқуқшунос, ҳозирда Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги Қонун ҳужжатлари Мониторинг институтида котибият бошлиғи, Нормурод - «Одил» фермер хўжалиғи раиси, Гулнора - ўқитувчи, Гулчеҳра - тарбиячи, Раббин - Навоий вилояти ҳокимиятида ишлайди.

Момо билан сўхбатлашарканман, бутун умри меҳнатда ўтган заҳматкаш ўзбек аёлининг ўтган ҳаётидан шукроналик ҳиссини туйдим. Рост-да, етти фарзанд, ўттиздан зиёд неварга, уч чеваранинг барчасини ҳаётга йўллашнинг ўзи бўлмайди! Момога чин дилдан ҳавас қилдим. Хайрлашарканмиз момо қўлларини дуога очдилар: "Илоё, юртимиз тинч, юртбошимиз омон бўлсинлар! Ҳамма қўшгани билан қўша қариб ували-жували бўлсин, кўзлаган ниятига етсин. Омин!". Илоийм, момонинг дуолари ижобат бўлсин.

Фарида ТОҲИРОВА

ЯНГИЛИКЛАР,



ВОҚЕАЛАР КЎЗГУСИДА

• 3 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг мажлиси бўлди.

Мажлисни мамлакат Президенти, Миллий хавфсизлик Кенгаши раиси Ислоҳ Каримов бошқарди. Мажлисида ҳарбий қурилиш, Куролли Кучларни ислоҳ қилиш, давлат мудофасининг сифат жиҳатидан янги тизимини шакллантириш билан боғлиқ долзарб масалалар кўриб чиқилди, Ўзбекистон Республикасининг Мудофиа доктринаси муҳокама қилинди ва маъқулланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ислохотлар ва инвестициялар бўйича Идораларо мувофиқлаштирувчи Кенгашининг «Эркинлаштириш ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида» Қарори қабул қилинди.

• "Навоийпахтасаноатсотиш" ҳиссадорлик бирлашмаси ўтган йилги меҳнат натижаларига кўра мамлакатимиз тармоқ корхоналари ўртасида ғолиб деб топилди. Хорижга сифатли пахта толаси етказиб бериб, буюртмачиларнинг талабларини мунтазам равишда ўз вақтида қондириб келганликлари туфайли Швейцариянинг "Доновант", Голландиянинг "Гринкер", Италиянинг "Индукент", Буюк Британиянинг "Бауман", Сингапурнинг "Кожикот" сингари фирма ва компанияларидан жорий йилда ҳам ҳамкорлик учун таширф қозғолари олдилар.

• Малайзияда ўқ отиш бўйича Осиё чемпионати натоғасига етди. Унда 32 мамлакат спортчилари Сиднейда ўтказиладиган Олимпиада ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритиш учун курашди.

Кескин рақобатда ўтган курашларда ғолиб бўлган ўзбекистонлик икки спортчи қиз Юлия Шахова билан Алёна Аксёнова Сидней Олимпиадасига йўлланма эгаси бўлди.


• Навоий кон-металлургия комбинати кўп миллатли жамоасининг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни бекиёсдир. Корхона жамоаси халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, минерал хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш, етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун Президентимиз Фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан мукофотланган эди.

Зарафшон шаҳридаги «Олтин водий» маданият саройида Ватаннинг ана шу юксак мукофотини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

• "Учқўрғонёғ" ҳиссадорлик жамияти жамоасининг маҳсулот сифатини яхшилаш борасидаги сазай-ҳаракатлари ўз натижасини берди. Халқаро саралаш қўмитаси корхонага сифат ва тадбиркорлик нуфузи учун 2000 йилги Европа Аркаси халқаро соvrинини беришга қарор қилди.

• Қувасойдаги цемент ишлаб чиқариш корхонаси Халқаро сифат конвенциясининг олий мукофоти - "Платина" нишонига сазовор бўлган эди.

Яқинда нуфузли халқаро жамиятнинг штаб квартираси жойлашган Мадрид шаҳридан Қўқонга хушхабар келди. «Дилором» акционерлик жамияти қўли гул чеварлари томонидан тайёрланган кўркам, қулай, шарқона услублардаги хушбичим қўйлақлар "Платина" нишонига муносиб топилибди.



ЁШ АВЛОД БАХТ-САОЛАТИ ЙЎЛИДА

2000 - СОҒЛОМ
АВЛОД ЙИЛИ

Албатта Оллоҳнинг марҳамати билан энг гўзал, энг соғлом авлод бизнинг Ватанимизда камол топиши табиийдир.

И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси раисаси Инқилоб ЮСУПОВА билан суҳбат.

Юртбошимиз бу йилни "Соғлом авлод йили" деб атадилар. Демак, бу йил ўтган "Аёллар йили" нинг узвий, мантиқий давомидир. Болалар жамғармаси раисаси Инқилоб Турсуновна Юсупова билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.

- Инқилоб Турсуновна, аввало фаолиятингиздаги аҳамиятга молик ишлар тўғрисида тўхталсангиз.

- Болалар жамғармаси ва 14 вилоят бўлимларининг асосий низомий вазифалари - бу оила, оналик ва болаликни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза қилишдир. Болаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида "ЮНИСЕФ" халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда "Болалар ҳуқуқлари конвенцияси"ни ўзбек тилига таржима қилдик (тез кунларда нашрдан чиқади). Ва конвенциянинг асосий моддалари асосида "Буни сен билишинг керак" номли буклетлар чикардик ва ушбу буклетлар болалар муассасалари ва оромгоҳларида семинар машғулотларида (ўйин шаклида) фойдаланилди ва тарқатилди.

Кам таъминланган оилалар, ногирон болалар ва меҳрибонлик уйида тарбия топаётган етим-есирларга мурувват ва саховат кўрсатиш жамғарманинг асосий вазифаларидан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда жамғарма оилалар ва болалар ўртасида камқонлик, рахит ва юқум-

ли касалликларни олдини олиш мақсадида "Зукко" дори-дармонлар ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорликда уч минг дона гемотаген сотиб олинди ва асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида яшаётган камқонли болалар ва оналарга тарқатилди. Бундан ташқари кам таъминланган оилаларга, болалар уйи тарбияланувчиларига 5 млн. 646 минг сўм миқдоридagi турли хилдаги кийимкечак, оёқ кийимлари, озиқ-овқатлар совға тариқасида топширилди.

- Инқилоб Турсуновна, Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган давлат Дастури" жамғарма томонидан қай тарзда амалга оширилмоқда?

- Жамғармамиз Арманистон Республикаси "Норк Мараш" кардиохирургия маркази билан шартнома тузган. Бунга биноан туғма юрак хасталиги бор 3 нафар бола (Фатхуллоев Азиз - 2 ёш, Раҳматуллоев Жасур - 2 ёш, (Тошкент), Турдиева Рисул (Қорақалпоғистон) марказ шифокорлари томонидан бепул даволаниб қайтишди.

38 та бола тиббий маслаҳат ва жароҳлик операциялари ўтказиш учун Москва, Ленинград шаҳарларига юборилганлиги ҳам диққатга сазовордир.

- "Кўча болалари" дастури

ҳақида ҳам тўхталсангиз.

- "Болаларни қутқаринг" халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ҳуқуқшунос, шифокор, педагогик касбларини эгаллаган, болалар руҳиятини тушунадиган 3 нафар ходимни танлов асосида ишга олдик. Бу ходимлар кўча болаларини топиш ва уларни дайдиб юриш сабабларини ўрганиш билан шуғулланади. Шу пайтгача бир неча бола рўйхатга олинган бўлиб, булар асосан нотинч оилалардан қочган эканлиги аниқланди. Биз мана шу болаларни соғлом турмуш тарзига қайтариш масаласини ўз олдимизга мақсад қилиб кўйганмиз. Тошкент меҳрибонлик уйларини тугаллаб чиққан 18 ўсмирни меҳнат биржаси билан ҳамкорликда иш билан таъминлаш чораларини кўрмоқдамиз.

- Инқилоб Турсуновна, "Соғлом авлод йили"да жамғарма қандай ишларни режалаштирди. Давлат Дастурига қандай тақлифлар билан чиқди?

- Вазирлар Маҳкамасида тайёрланаётган ушбу Дастурга биз асосан ёш авлоднинг ҳар томонлама соғломлаштириш учун ҳал қилиниши лозим бўлган бугунги кун муаммолари ҳақидаги тақлифлар билан қатнашдик. Жумладан, мутахассислар болалар ўртасида бўқоқ касалининг кўпайиб кетганлиги сабабларини улар организида йод моддасининг етишмаслигидан деб айтишди. Йод-

ланган туз ишлаб чиқиши ва йод етишмаслигига қарши давлат Дастури ҳамда қонуни ишлаб чиқилсин ва қабул қилинсин, деган тақлиф билан чиқдик.

Меҳрибонлик уйини битириб чиққан ота-онаси, яшаш жойи бўлмаган болалар ўз ҳаётларини тўғри изга солиб кета олишлари учун "Ҳимоя уйи" дастурини ишлаб чиқишимиз лозим. Шу мақсадда Тошкент шаҳрида "Ҳимоя уйи" марказини ташкил қилиш тақлифлари киритилган.

Аҳоли яшаш жойларида вояга етмаган болалар учун тўғрақ ва меҳнат билан машғул этувчи клублар ва марказлар ташкил этиш, тақлифини киритдик.

"XX асрнинг вабоси" деб аталаётган гиёҳвандлик, нашавандликка қарши қаттиқ кураш олиб бормай туриб соғлом авлод ҳақида ўйлаш мумкин эмас.

Бу борадаги тарбия ва кураш йўлида оммавий ахборот воситалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари янги қўшимча имкониятларни топиб, иш услубларини янада кучайтиришлари лозим.

Хуллас, жамғармамиз ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камолга етиши учун муносиб ҳиссасини кўшади, албатта.

Суҳбатдош: Нафиса АННАЕВА

Мейли Йўлдошевни энг қоқоқ хўжаликка раҳбар этиб тайинлаганларида ёш, навқирон йигит эди. Экин майдонларини қайтадан тузиб, ариқ-зовурларни тозалатди. Ерга минерал озукларни бериб, яхшилаб ҳайдатди. Кадрларни жой-жойга қўйиб, иш талаб қилди. Ғалбирни сувдан кўтарганда хўжалик кассасига мўмайгина даромад келди. Йўллар асфалтланди, табиий газ, ичимлик сув муаммолари ҳал этилиб, маиший иншоотлар қурилди. Кишиларга арзон нархларда ғалла, пахта ёғи, кунжака берилди.

1996 йил Мейли ака Муборак туман ҳокимига биринчи муовин этиб тайинланди. Кам-

чақиришиб: "Туманда коммунал хизмат оқсаётган соҳалардан биттаси бўлиб келаяпти, шаҳар кўчалари кўнгилдагидек эмас, кишиларнинг яшаш шароити ёмон аҳволда, уй-жойлардан фойдаланиш кўп тармоқли акционерлик жамиятига раис бўлиб борасиз", - дейишди.

М. Йўлдошев ҳар битта муаммони ҳал этишда мутасадди кишиларга вазифа юклаб, муддатини белгилади. Кўп ўтмай "кунўтар" қилиб юрган олифталарни ишдан бўшатиб юборди. Янгиларни қўйди. Иш юришиб кетди.

- Мейли ака, - дедим мен, - вилоятимиз ҳамда республикамизда коммунал хўжаликлар орасида бўлиб ўтган танловда етакчи ўринларни олиб, вазирлик совринларига сазовор бўлиб-сиз. Бундай ютуқлар осонликча қўлга киритилмайди, албатта.

- Ҳамма жабҳаларда харобага айланиб қолган корхонани оёққа кўйгунимча бўларим бўлди, - дея кулди М. Йўлдошев. - Секин-аста тадбиркор, ишига пухта кадрлар билан корхонани тўлдириб бордим. Қаттиқ туриб иш талаб қил-

ЯХШИЛАРДАН СЎЗ ОЧДИК

дим. Корхона ҳамёнидаги ҳар бир сўмни жой-жойга қўйиб ишлатишни талаб қилдим. Ёғлаш, ёнилги материалларини меъёрида ишлаттирдим. Автомобиль техникасида, тракторлардан фойдаланишни назорат остига олдим. Уй-жой ва бошқа истеъмолчилардан тушадиغان пулни кунлигини кузатиб бордим. Қарабсизки, ишда олдинга силжишлар яққол кўринаверди. Яхши ишлаган ишчиларимизга мукофот бердирдим. Кўп фарзандли, кам таъминланган оилаларга кўпроқ маблағ ажраттирдим. Шаҳар аҳолисини ичимлик суви, табиий газ ҳамда электр энергияси билан таъминлаш ўлда-жўлда экан. Ер ости қувурларни янгилашга, газ қувурлари ёт-қизишга тўғри келди. Электр сим ва кабелларни янгилари билан алмаштириб, уй-жойларни таъмирлаб олишни бажардик. Сув иншоотларимиз ҳам таъмирга муҳтож эди. Шаҳар кўчаларига, хиёбонларига мевали дарахт кўчатлари экиб парваришляпмиз. Биласизми, одамларга қулай шароит яратганнингдан кейин ўша бажарган ишингдан ямнун бўлиб юраркансан киши.

Чинакамига умрини, истеъдодини одамларнинг фаровон яшашига бахшида этиб яшаётган раҳбарнинг қўлларини қисиб, унга омад тиладим.

Исоқ САТТОРОВ

ОДАМЛАР


ФАРОВОН ЯШАСИН ДЕБ...

тарин, хушфёъл Мейли ака хўжалик раҳбарлари билан тил топишиб, энг қоқоқ хўжаликларни бир-икки йил ичида вилоятдаги пешқаддам хўжаликлар қаторига қўшди.

1998 йилнинг кузи. Раҳбарлар Мейли акани

Киёфаси инсонларга ўхшаш, бироқ қилмишидан энг йиртқич хайвонлар ҳам андоза ололмайдиган ваҳший кишилар онда-сонда бўлсада учраб турар экан. Фарғона вилояти ички ишлар идоралари ходимлари Фарғона кўчасидаги 15-уйнинг чорбоғидан номаълум шахснинг бош чаного топилигандан хабар тоғча, ушбу маълум кимсанинг кирдикорларини фош этдилар. Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар ва экспертлар хулосасига

Тошкент вилоятининг Пискент тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Полвонов номидаги каналдан ҳали бир ёшга тўлмаган гўдакнинг жасади топилди. Туман ички ишлар ходимлари унинг шахсини ва ўлими сабабларини аниқлаш жараёнида даҳшатли қотиллик рўй берганини фош этдилар. Тезкор тадбирлар давомида ушбу норасиданинг Оққўрғонлик Юлдуз исмли аёлининг фарзанди эканлиги аниқланди. Бироқ унинг қотили эса уни дунёга келтиришга сабабчи бўлган отаси бўлиб чиқди.



ушбу ишқий саргузаштларини "ҳа энди йигитчиликда" деб баҳолаган бўлса. Бироқ, унинг хатоси оддий ёки жўн эмаслигини бугун ўзи тушуниб турибди. Зеро, энди кеч. Шу боис, биз мазкур иллатлар, яъни йигит ва қизлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳеч қачон оддий ёки шунчаки бўлиши мумкин эмаслигини айтмоқчимиз. Қолаверса, яратган эгам бизга жуфт-жуфт бўлиб яшашни раво кўрган экан, энг аввало биз унга ҳалоллик билан ёндошиб, оилани покиза сақламоғимиз керак. Чунки, муқаддас оилага нисбатан қилинган хиёнат унга нафақат моддий балки маънавий жиҳатдан ҳам зарар етказиши шубҳасиз.

Худди Юлдуз сингари никоҳсиз эрини кута-кута фиғони фалакка чиққан Мавлуда эшик кўнгиригидан қувониб кетади. Очса ўйнаш эмас, бир вақтлар битта фоҳишахонада «хизмат» қилган ҳаммаси Гулчехра турарди, Гулчехранинг асосий вазифаси Мавлуданинг ўз уйига олиб бориш эди. Шунинг учун у ишонарли баҳона ўйлаб топди. Аммо, таннос таралгунча тўй тугаб, тарқабди деганларидек, Мавлуда кийини, ясан-тусан қилгунча анча вақт ўтди. Ўлжанинг ўз оёғи билан кириб келганини кўрган Омонилло ва унинг шериги Шавкат илик қутиб олишди, бечора Мавлуда мезбонларнинг такаллуфини бошқача тушунади. Ширин сўхбат қуриш учун даврага қўшилган Мавлуда ҳаётининг сўнги дақиқаларида турганлигини қаёқдан билсин.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, унинг бошига зарб билан урилган қаттиқ жисмдан вужуди зирқрайди. Кўзларидан олов чакнайди. Лекин у хушидан кетмайди. Чунки зарба мўлжалга аниқ тегмаган эди. Мавлуда илтижо билан тирик қолдиришларини сўрайди. Бироқ, кўзларига қон тўлган ваҳшийлар арзиманган гап-сўз ва пул учун бир инсон ҳаётига зомин бўладилар. Мавлуданинг юзига парёстик босишиб, оёқ-қўлларини маҳкам тутиб турадилар. Ноз-карашма-ю, хурсандчилик билан даврага кириб келган аёл юрагида аламу кўзларига ёш билан бу дунёни тарк этади. Қотиллар жасади яна кийнайдилар. Улар Мавлуданинг оёқларини кесишиб, бўчага соладилар, унинг устидан кислота қўядилар. Жасадининг ким эканлиги тугул, қайси жинсга мансублигини ҳам билиб бўлмайди. Қош қорайганда уюшган жиноятчилар бўлақларга бўлинган мурдани Олтинқўл қишлоқларининг биридаги жўхоризорга олиб бориб ташлайдилар. Аммо, Андижон милициясининг саёй ҳаракатлари туфайли бу оғир жиноят ҳам фош этилди.

Шухрат РЎЗИЕВ,
ИИБ Матбуот маркази катта
инспектори, милиция капитани

ИНСОН ҚИТЁФАСИДАГИ МАЪЎНЛАР


кўра ушбу бош чанокнинг бедарак йўқолган фуқаро Холида Мамаризаеваники эканлиги аниқланади. Марҳуманинг қотилини топиш жараёнидаги тадбирлардан сўнг Чимён шаҳарчасида яшовчи қотилликка даҳлдор шахс гумонланиб қўлга олинди.

Дастлабки маълумотларданок ушбу гумондорнинг кечки пайт Мамаризаеванинг уйига маст ҳолда ташриф буюриб, у билан жанжаллашиб қолгани аниқланади. Шунингдек, ўртада пайдо бўлган низодан сўнг уй эгаси бу ҳақда участка нозирига хабар бериш учун чиқиб кетаётганида унинг кетидан бориб, зўрлаб Чимён Нефт корхонасининг қишки клубига олиб киргани ва шу ерда уриб, бўғиб ўлдирганини айтади. Шундан кейин марҳуманинг оғзидаги тўртта метал тишини, кулоқларидаги тилла зирақларини олиб, мурдани синтетик матодан тикилган қопга солганча енгил машинага ортиб Чимён шаҳарчаси ахлатхонасига олиб боргани ва мурданинг устига солярка сепиб ёқиб юборгани, бироқ жасад ёнавермагач, уни ахлатхонага кўмиб ташлагани ҳам тергов суриштирув жараёнида маълум бўлди. Шунингдек, дастлабки тергов ҳаракатлари жараёнида Чимён шаҳарчаси ахлатхонасидан Холида Мамаризаевага тегишли кийимларнинг қолдиқлари ва бошқа далиллий ашёлар олинди.

Фарғоналик қонун посбонлари томонидан фош этилган мана бу жиноятлар тафсилотлари эса фуқароларимизни бироз ҳушёрликка даъват этиши керак. Қисқаси, Фурқат тумани ички ишлар бўлимига Кўк дўппи қишлоғидаги хонадонларнинг бирида номаълум шахснинг жароҳатланган мурдаси ётганлиги тўғрисида маълум хабар тушади.

Туман ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлардан сўнг сомон орасига яшириб қўйилган мурданинг шахси аниқланиб, унинг Тошкент вилоятида яшовчи фуқаро Баҳодир исмли йигит эканлиги маълум бўлди.

Сўнгра унинг қотили — «Мени Фарғонага олиб келиб қўясан» дея Тошкентдан ёллаб унинг неқсиясида келган, бироқ хизмат эвазига пул бериш ўрнига уни ўлдириб ташлаганча машинасида қочиб кетиб, машинани Бағдод туманидаги хонадонлардан бирига ташлаб кетган манфур шахс, Нодир қўлга олинди.



Маълум бўлишича, Пискент туманининг "Пискент" жамоа ҳўжалигида яшовчи, 1965 йилда туғилган Абдурашид Давронов оққўрғонлик Юлдуз исмли қиз билан танишиб, у билан хуфёна учрашиб юради. Уларнинг ишқий муносабатларининг меваси, марҳум гўдак Суннат Давронов ўтган йилнинг ёзида дунёга келган эди. Бу эса уларнинг сирини ошкор қилиб, ўртадаги муносабатларнинг чигаллашувига сабаб бўлади. Икки ўртадаги келишмовчиликдан сўнг гўдак онаси қўлида қолди. Юлдуз эса отасиз фарзандни оиласига олиб боришнинг иложини тополмай ижарада ашай бошлади. Чунки, Абдурашид қонуний оиласи ва уч фарзанди бўлиб, Юлдуз билан орадаги муносабатнинг ошкор бўлишини сира хоҳламасди.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, Юлдуз Абдурашиднинг олдида келиб: "Мен болани боқибдан қийналай кетдим, керак бўлса ўзинг боқиб ол", - деб уни отасига ташлаб кетади. Албатта бундай қутулмаган ҳодиса Абдурашиднинг гангитиб қўяди ва у бунинг чораси сифатида мудҳиш қотилликка қўл уради. Яъни гўдакни шу яқин орадаги сувга ташлаб юборади.

Ҳа, гоҳида ўйга толиб қоласан. Инсоннинг оддийгина хатосидан жуда оғир қисматларни келтириб чиқарувчи воқеалар пайдо бўлади. Фақат кўпчилик уни кейин, бўлар иш бўлганидан сўнг сезишади. Ажаб эмаски, бир вақтлар Абдурашид ҳам

ОТАШ ҚАЛБИ, ОТАШ СЎЗИНИ ҚЎМСАБ ЯШАЙМИЗ



Шоир Сайёр ўз дўсти, шоир ва ёзувчи Анвар Эшоновни эслаб шундай дейди:

Ҳеч қачон Анвар дўстим хақида хотира ёзмаман деб ўйламаган эдим... Ҳаёт экан... Чора йўқ экан...

Анвар Эшонов Тошкентда, ҳуқуқшунос аллома Отахон Эшонов оиласида дунёга келган. Жуда кичкинтойлигиданок машҳур файласуф шоир Ғофур Фуломни ўзига устоз деб таналади. У кишининг нафасига тақлид қиларди. Академик шоирнинг айнаи ўзи бўлиб шеър ўқирди.

Ёдимда, Ғофур Фуломнинг ўзлари иштирок этган ҳажвия кечасида Анваржон устоздек шеър ўқиб, олқишларга сазовор бўлган эди.

Мен ҳарбий хизматдан таътилга келсам, Анваржон ҳам Эркин Воҳидов билан бирга олийгоҳга ўқишга кирибди. Ҳозирги Амир Темур хиёбонида бир пиёла чой атрофида меҳмон қилишди. Анвар шеър ва ҳикоя машқ қила

бошлаган экан. "Улар савдоси" номли бир ҳикоясини ўқиб берди. Ҳикоянинг азбаройи ҳаётийлигидан завқланиб:

- Эй, Анвар, қилган ёзишга туғилган экансан-ку, - деб юборибман. Дўстим бу сўзимдан хурсанд бўлади, десам, қаёқда, хафа бўлди.

- Эркин ҳам, сиз ҳам ҳикоя ёзиш дейсизлар, икковингизнинг гапингиз бир. Аммо, мен энг аввало шеър ёзмаман, - деди.

- Албатта, албатта, - дедим лабимни тишлаб. Кейин мен Москвага кетдим. Орада оз вақт узилиш бўлди. Ўқиниш тугатиб қайтганимда устоз Комил Яшиннинг маслаҳати билан ишга - Фарғонага йўл олдим. Фарғонадан Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчасига

маслаҳатчи ХОТИРА МУҚАДДАС

бўлиб қайтганимда Анвар Эшон Ўзбекистон радиосида Ўлмас Умарбеков, Фарҳод Мусаёнов, Латиф Маҳмуд ёнида ишлаб юрган экан. Тўғриси айтсам, Анварнинг тили ниҳоятда ҳақчил, образли эди. Ҳар бир ҳикоясидан содда дехқоннинг, чапанирок одамнинг шундоқ ўзгинасининг табиати тошиб келиб турарди. Аммо, Анварда ёзишга чидам, қоғоз устида ўтиришга ҳожат кам эди.

Анвар Эшон ҳар бир ёзаётган асарларига қаттиқ эътибор билан қарар эди. Айрим шеърларини ўн тўрт, ўн беш марта қайта ишлаган нусхалари ҳам бўларди. Анварнинг ҳамма ҳикояларида ажаб топқирликлар бор, ўқиб ҳузур қиласиз. Бу ҳам Аллоҳ ато қилган қобилият мевасидир. Анвар шундоқ зукко адиб, файласуф шоир, садоқатли дўст, бағри кенг, меҳрибон, оилапарвар инсон эди.

Биз дўстлари унинг нафасини қўмсаб, энтикиб яшаймиш. Анварнинг сиймосини, оташ сўзини шеър, ҳикояларидан излаймиш ва унинг донолик зиёсидан баҳра олиб қалбан юксаламиш...

Сўхбатдош: Мухтор БЕК

Опам сувга тушиб кетиб ўлганда онамнинг доди дунёга сиғмаган экан. Худодан шу қизга ўхшаган кош-кўзи қоп-қора қиз беришини тилаган, ана ўшанда мен туғилган эканман. Онамга озор бермай, бировга оғирлигим тушмай катта бўлганман, бешиқда ётганимда ўлиб қолмадимикан, деб қулоқ солишаркан, чунки, камдан-кам йиғларканман. Шундай қилиб жуда содда-ювош қиз бўлиб 8 синфни зўрга тугатдим.

Ошхонага идиш ювувчи бўлиб ишга кирдим. Кейин сомса пиширишга ўтдим. Ичи

занд бўлмагани учун емаган таёғим, эшитмаган сўзим қолмади. Биринчи марта онамникига аразлаб кетдим. Кўп ўтмай эрим оналари билан келиб мени уйга олиб кетишди. Бир-икки кун яхши яшадик. Яна ўша азобли кунлар бошланди. Кечалар Худога зоримни айтиб, менга фарзанд беришини тилардим. Ўша пайтлар 17 ёшда эдим. Ва ниҳоят, бўйимда бўлиб қолди. Икки ойлик экан. Эримни ишдан келишини интизорлик билан кутдим. Тўйим куни ҳам бунчалик ҳаяжонга тушмаган эдим. Ширином овқатлар қилдим, иссиқ нонлар ёғдим ва ҳаммамиз ховлида чой ичиб ўтирибмиз. У ишдан келди, югуриб бориб, бўйнига осилиб олгим келди, уялдим. Эрим менга


ишди. Кейин... уйга келмайдиган одат чиқарди. Мен ёлғиз ўзим қолардим. Бўш ўтирмасдим, ҳар хил нарсалар тўқирдим, қўни-қўшниларнинг қўйлақларини бичиб тикардим. Хайрият, тўлғоқ тутган куни эрим уйда эди. Ярим кечаси тез-ёрдам машинасида туруқхонага жўнатди. Ярим соатга етмай тўнғич ўғлим туғилди. 3 кило 800 грамм эди. Худога шукрлар айтиб қалбим қувончга тўлди, ҳатто гурурланиб кўйдим. Ахир кўчқордай ўғил туғди. Биринчи фарзандим менга ҳаёт бағишлади. Уни деб яшай бошладим.

Негадир ўғлим бир ёшдан ошдию, бошини тўғри тутолмайди, оёғига тикка туrolмайди, олиб бормаган дўхтирим қолмади,

ЮРАГИМДА НА СЕВГИ БОР, НА ҚУВОНЧ...

ДИЛ ИЗХОРИ

тўла пиёз бўлса ҳам ҳамма мактаб олишарди. Ҳатто қайтимини олишмасди. Кўпинча, пул билан бирга албатта кичкина қоғозга ёзилган сеvgи хати бўлар эди. Ўша пайт ўн беш ёшда эдим. Ишдан уйга борсам синглим кулиб: "Сенга совчи келди", - деди. Ҳали кичкина деб ойим учтасини қайтарди. Бир куни келган совчиларга онам розилик бериб юборди. Шундай қилиб 15 ёшимда турмушга беришди. Ота-онамни раъйига қараб индамай рози бўлдим. Лекин, қалбимда шунақанги орзуларим бор эдики, бариси мисоли очилмаган гунчадай сўлиб кетди. Бошқа қиз-келиндардай сарпо демадим, йигит билан учрашганда онасига раҳмим келганидан "тилла узук олиб берасан", демадим. Ҳашаматли тўй қилишгани йўқ. Машинадан тўппа тўғри чимилдиққа кирганман. Столда ўтираман, "вечер" қиласан деб дод солганим йўқ. Дугоналарим тўйга қизиқиб ёлғиз ўзимни чимилдиқ ичида қолдириб чиқиб кетишган. Ҳамма хурсанд эди. Мен эса бошим эгик йиғлайман, юрагим гаш, ичимда кимдир қоч бу уйдан деб, нола қилаётгандай. Лекин, иложим қанча, ота-онамнинг хоҳишлари шу эди. Лекин, бу нола 33 ёшга киргунимча қалбимда қолади, деб ўшанда ўйламаган эканман. Тўй тугади. Куёв маст ҳолда олдимга келди, унга қараб туриб қалбим қувончга тўлмади. Эру хотин ўртасидаги нарсаларга мени ҳали ақлим етмасди, ахир мен жуда содда, ёш эдим. Мени эркалаб ширин сўзлар айтиш ўрнига, шундай зўравонликлар қилдики, маст ҳолда айтган сўзларига тош ҳам чидай олмасди. Ахир мен тош эмас, инсон эдим-ку, инсон! Эртасига онам ва ойим мендан хабар олишга келган эдилар. Кўқарган икки юзимни кўриб кўрқиб кетишди, йиқилиб тушдим, деб онамларни алдадим, улар кетишди. Онам орқаларидан дод солиб, "Мени олиб кетинг бу дўзахдан", дея бақиргим келди. Қайнонам жуда яхши аёл, икки қайнсинглим, икки қайнақаларим бир-биридан яхши. Катта қайнсинглим билан худди дугоналардай сирдош эдим. Лекин, эримни ҳар кўрганымда минг бор ўлиб, минг бор тирилардим. Мени ҳар нарсани баҳона қилиб аямай урарди, эшитмаган сўзларим қолмасди, бу сўзлар қалбимга найзадек санчилиб, бор вужудимни тилка-пора қиларди, қон йиғлардим, лекин ҳеч кимга айтмасдим. Шундай қилиб, икки йил ўтди. Фар-



эътибор ҳам бермади, овқатни еди-ю, жойни сол, ётаман, деб ўшқирди, кўзларимда ёш қотиб қолди. Ярим кечаси уни уйғотиб юбордим. Кўз ёшим юзига томганида уйғониб кетди. Нега йиғлаяпсан, деб бир тепди. "Агар ўғил туғсам қўлингизга бермайман", дедим. У ҳайрон қолди... "Бўйимда бор, ҳомиладорман", - дедим. Бир пас жим турди, хушига келиб, шунақанги хурсанд бўлди-ки, мени қучоқлаб ўпиб қўйди, "асалим", деб эркалади. Бир пасдан кейин яна ухлаб қолди. Мен тонг отгунча ухламай гаплашиб чиқамиз, худди кинолардагидай бўлади, деб ўйлабман. Афсус, икки кун ўтмай онамникига аразлаб кетдим. Бир ой ўтди. Эрим бошқа уй сотиб олди. Олдимга келиб, кечирим сўраб, мени олиб кетди. Уй ҳали битмаган, фақат бир хонаси бутун, оқланмаган эди. Шу бир хонада кишни ўтказдик. Неча кунлар ўтди, билмайман, ишдан маст ҳолда келди. Ҳомилам 3 ойлик эди. Кўзига ҳеч нарса кўринмайди, фақат бошимга уради, "тур-ўтир" деб тургазиб-ўтиргизди. Мени урмасин, деб айтганини қилардим. Кейин тонгга яқин ухлаб қолди, ҳамма ер тўполон, синган идишлар, мен ҳам жой солиб ётдим. Баданим кўқарган, ойга қараб зор-зор йиғлайман. Бир маҳал вужудимда бир нима қимирлагандай бўлди. Яна ва яна, оғир жароҳат олган қалбим шунақанги қувончга тўлдики сўзлашга тилим лол. "Хафа бўлманг, йиғламанг онажон", - деб қимирлагандай бўлди. Сиз ўйламанг бирон бир айби бўлса керак-да, шу сабаб урган, ўчакшиган деб. Фақат ичкили одамни не кўйларга солмаскан. Эримга ўрганиб қолганим учун овқатни усиз емасдим. Ишдан ярим тунда қайтса ҳам кутиб ўтирардим. У бўлса бундан жаҳли чиқарди. Ўша пайтлар мишмиш гаплар тарқалди: "Эринг бир хотин билан юрибди, топганини унга едириб", - дей-

охири Тошкентга олиб келдим. Текширишлардан кейин ўғлимни ноғиронлиги маълум бўлди.

13 йилдан бери Тошкентда, Республика болалар руҳий-асаб хасталиги касалхонасида даволатиб келаман. Ҳозир ўша ўғлим бўйи мен билан баравар, 7-синфда ўқийди. Шу ўғлимдан кейин 3 та фарзанд кўрдим. 2 ўғил ва бир қиз. Эримга 15 ёшимда турмушга чиққан бўлсам 12 йил бирга яшадим. Уч йил бўлди эрим билан ажрашганимга. Онам ҳовлисида икки келин, ўзлари кўпчилик, бунинг устига мен ҳам улар учун бир оғир юкман. Ҳокимиятга ариза ёздим. 3 хонали уй беришди. Хурсанд бўлиб кўчиб келдик. Болаларим билан 3 ой яхши яшадим. Ҳеч ким урмайди, кечалар дуч келган жойга яшириниш йўқ. Ҳамманинг кўнгли тинч. Барибир эрим уйни топиб келди. Кечирим сўради. Болаларим ҳаққи уни кечирдим. Яшай бошладик. Афсус, яхши, бахтли кунларим қисқа экан. Икки-уч кунлаб уйга келмасди. Мактабда фаррош бўлиб ишлай бошладим. Ана шундай кунларни бирида бошимга яна қора кунлар тушди. "Онамникига кетдик", - деб болаларини олиб кетганим. Негадир онамникида ётиб қолгим келмади, уйимга қайтиб келдим. Эшикни очдим, қарасам эрим беғона аёл билан ётибди. Нима қилишни билмай қолдим. Иккаласини ҳам уйдан ҳайдаб чиқардим. Бир-икки ой ўтди. Эрим дадамни, укамни, икки танишини етаклаб кириб келди. Ҳаммани олдида тиз чўкиб, қўлига нон олиб йиғлаб, кечирим сўради. "Йўқ", деб бақирдим. Укам мени қўлимни олиб, эримни қўлини ушлаб: "Почча, опагон тўртта гулдай фарзандларингиз бор, ажрашманглар, ахир бир эмас, учта ўғлингиз бор. Отасиз ўсган ўғил келажақда ким бўлади, қизингизни турмушга бераётганда ким оқ фотиҳа беради. Ярашинглар кўзим олдида, мен эса тинчгина хизматни ўтайин", - деб чиқиб кетди. Укамни деб у билан ярашдим. Бир неча ой ўтди. Бир кун эшик кўнғироғи жириглади. Очсам бир аёл турибди, қўлида қизчасиям бор. Мен билан сўрашди, уни уйга тақлиб қилдим. "Фақат гапимдан хафа бўлманг, - деб гап бошлади. - Сизни эрингизни хотиниман, никоҳига олганига бир йилдан ошди, 3 ойлик ҳомиладорман". Мен нима дейишимни билмадим. Кимдир юрагимни суғуриб олиб ерга уриб, минг-минг бўлақларга бўлиб ташлагандай бўлди. Ўша кундан бошлаб тиррик мурдага айландим.

Худойим олдида фарзандларим учун жавобгарман. Фақат ана шу гап мени яшашга ундайди. Баъзида ўйлайман, нима учун ҳаётим шундай бўлди? Бунга балки ўзим айбдордирман. Ахир нима қилай, қўлимдан келганини қилдим-ку. Охири ажрашдик. Мен шу кунда маслаҳатга, яхши сўзга муҳтожман.

МАВЛУДА

